

## Дунё ва охиратнинг ягона ҳокими

Image not found or type unknown



19:00 / 30.11.2021 2666

Аллоҳ таоло мусулмонларга хитоб қилиб, уларни бўлинмасликка, ихтилофга тушмасликка, ўзларидан аввалги ўтган аҳли китобларга ўхшамасликка чақиради. Бу ҳақда Ўз каломида шундай марҳамат қилади:

تَاَنِّيَبَلْا مُهءاج اَم دَعَب نَم اَوْفَلَتْخَاو اَوْقَرَفَت نِيذَلَاك اُونُوَكْتَاَلَو  
مِيَطْعُ بَادَعُ مَهَلْ كَلَّوْا

Ўзларига очиқ-ойдин ҳужжатлар келганидан кейин бўлиниб, ихтилофга тушганларга ўхшаш бўлманглар. Ана ўшаларга улкан азоб бордир (*Оли Имрон сураси, 105-оят*)

Яъни, «Эй мусулмонлар! Сиз ҳам ўзларига очиқ-ойдин оятлар келганидан кейин бўлиниб, ихтилофга тушган яҳудий ва насороларга ўхшаб бўлиниб, ихтилофга тушманг. Ана ўшаларга ихтилофлари туфайли қиёмат куни улуғ

азоб бордир».

ذَعَبٌ مُّتَرْفِكًا ۖ لَهُمْ هُجُوعٌ وَتَدْوَسَاتٌ وَهُجُوعٌ وَضَيْبَاتٌ مَّوِيَّاتٌ  
نُورُفُكَّتْ مُتْنُكَ أَمَّا بَدْعُ الْجَاوِقِ وَدَفْ مَكْنِ أَمِيٍّ

Юзлар оқ ва юзлар қора бўладиган кунда. Аммо юзлари қора бўлганларга: «Иймон келтирганингиздан кейин кофир бўлдингизми?! Куфр келтирганингиз учун азобни тотиб кўринг», – (дейилур). (Оли Имрон сураси, 106-оят)

Ушбу ояти карима қиёмат кунини ажойиб тарзда васф қилмоқда. Қисқа ва лўнда. Ортиқча бўёқ ҳам, беҳуда сўз ҳам йўқ. Қиёматга кимлардир оқ – ёруғ юз билан, кимлардир қора юз билан келадилар. Қора юз билан келганлар ўшанда итоб нидосини эшитадилар. Уларга:

«Иймон келтирганингиздан кейин кофир бўлдингизми?! Куфр келтирганингиз учун азобни тотиб кўринг», (дейилур)».

Бу эса азоб устига азоб, юзларидаги қоралик устига баттар қоралиқдир.

نُورٌ دَلِيلٌ لِّأَهْلِ الْإِيمَانِ ۖ لَهُمْ هُجُوعٌ وَتَدْوَسَاتٌ مَّوِيَّاتٌ

Юзлари оқ бўлганлар эса – улар Аллоҳнинг раҳматидадирлар. Улар унда мангу қолувчидирлар. (Оли Имрон сураси, 107-оят)

Ёруғ юз билан келганлар, албатта, бу дунёда қилган яхши амаллари, иймонлари туфайли беҳисоб ажру мукофотларга сазовор бўладилар. Энг муҳими, улар Аллоҳ таолонинг раҳматида абадий қоладилар.

Кейинги оятда Набий алайҳиссаломга хитоб қилиниб, у зотга Аллоҳнинг оятлари ўқиладигани баён этилади:

نِيْمًا لِّأَعْلَىٰ أُمَّلْطُ دِيْرِي ۖ لَلْأَمِّ وَقَحْلَابِ كَيْلَعِ أَوْلِيَّتِنِ ۚ لَلْأَيْتَانِ

Булар Аллоҳнинг оятлари бўлиб, уларни сенга ҳақ ила тиловат қилмоқдамиз. Аллоҳ оламларга зулмни ирода қилмас. (Оли Имрон сураси, 108-оят)

Яъни, «Бу оятлар, шубҳасиз, Аллоҳнинг оятларидир. Бошқа нарса эмас. Эй Муҳаммад, уларни сенга ҳақ ва адолат ила тиловат қилмоқдамиз. Аллоҳ одамларга зулмни хоҳламайди. У Зот беайб одамни жазоламайди. Гуноҳкорнинг азобини ошириб юбормайди. Яхшилик қилган банданинг савобини камайтириб ҳам қўймайди.

